

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№70 (6.595). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА



ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

(1-2-саҳифаларда)

“ШАРГУН”ДА КОНУНБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

(1-2 саҳифаларда)



БОЛА БАХТИ - ОЛАМ БАХТИ

(1-4-саҳифаларда)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МОСКВА САММИТИ



МОСКВА. 29 май. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Тоғонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг халқроқ ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифаларни ижроси муҳокама этди. Бу борада талай хайрли ва фойдали ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида ШХТни шакллантиришнинг ташкилий ишлари якуний босқичга келди. Ташкилотнинг органлари, жумладан, доимий ишловчи қотибят (Пекин) ва минтақавий аксилтерор тузилмаси (Бишкек) фаолияти қонун-қоидаларини белгилаб берадиган ҳужжатлар тайёрланди.

Ташкилотнинг ижрочи қотиби лавозимига Хитойнинг Россияда элчиси Чжан Дэгуан тасдиқланди. Расмий делегациялар иш-тирокидаги музокараларда ШХТни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар, коммуникацияга оид ва қўллаб-қувватлаш масалалар муҳокама этилди. ШХТнинг барча механизмларини имкон қадар тез ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилин-

ди. Президентлар муҳокама этилган масалалар бўйича эришилган келишувлар ўз аксини тоған қатор қарорларга, ШХТ бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги битимга имзо қечди.

ШХТнинг гадаги саммити Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган бўлди. Шу билан ШХТнинг Москва саммити ниҳоясига етди. Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

СУРАТДА: саммит ишлари давомида.
А. ТУРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ТОШКЕНТ. /ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ/. Мамлакатимизда жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ҳар томонлама оширишни тақозо этмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий эътиқод ҳамда изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида аҳолининг онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш йўналишларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиди шу ҳақда сўз юритилди. Мазкур тадбир парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси хамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташаббуси билан ташкил этилди.

Мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган анжуманда мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат юрилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятнинг маънавий ўзгариши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг қонуний заминини яратилганлиги таъкидланди.

Ийгилишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан рўйбоғ қилиши, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди.

Бугунги бозорларимизни айланган ҳар бир киши бир нарсани амин бўлиши, шубҳасиз. Дўкондаги расалар турли-туман молларга тўлиб-тошган. Ахтарган, харид қилмоқчи бўлган буюмини танлаш имконияти катта.

Албатта, бу яхши. Халқимиз истеъмолга зарур маҳсулотларнинг бисёрлиги кўрган кўзни қувонтиради. Қолаверса, шуни ҳам таъкидламоқ жо-

лигига путур етаетир. Чунки етарлича ишлов берилмаган арокнинг инсон организмга зиёни йўқ, деб бўлмайди. Шу йилнинг май ойида республикамиз бўйича шундай цехлардан 17 тасининг фаолиятига чек қўйилди. Охириги икки ой мобайнида акциз солиғи солинадиган маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи киритиш билан боғлиқ 281 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилгани ҳам маълум.

Б.Бекбўтаев деган шахс ҳам яширин арок тайёрловчи цехнинг ҳўжайини эди. Айни пайтда унинг яширин заводи ёпилган. Б.Бекбўтаев беш юз ўттиз минг сўмлик қўлбола арокларни сотаётганда қўлга тушган. Уйдан эса катта миқдорда савдога чикаришга тайёрлаб қўйилган спиртли қўлбола ичимликлар топилди.

Нарпай туманининг «Мирбозор» бозорида Самандар Аннаев ҳам ичса кишини захарлайдиган арокларни сотаётганда қўлга тушди. Бундай мисолларни тагин келтиривериш мумкин. Ҳаммаиз кўриб-билиб турибмиз. Лекин бировга айтишга андиша қиламиз. Биттаси танишимиз, бирови кўшнимиз. Ўртада юзхотир дегандай.

Бундай сифати йўқ ароклар нафақат мамлакатимиз ичида тайёрланмоқда, балки четдан ҳам кириб келмоқда. Ва уни олиб киришда ҳам юқоридега каби «Тадбиркор» ҳамюртларимизнинг ташкилотчилиги асқотмоқда. Мутлежон Умаров ҳамда Меҳри Маҳмудовлар Қозогистондан спирт ва арокларни олиб келётганларида ушлаб қолинди.

Албатта, ўргинча ишлаб чикарилаётган, олиб кирилаётган спиртли ичимликлар заводдагидан бир-икки сўмга арзонроқ бўлиши мумкин. Шундай гап ҳам борки, арзон белилат бўлмайди.

Харидор аввало қандай маҳсулот сотиш олаётганлигини англаб етсагина ўзига жабр қилмаган бўлади. Шунда чўнтагига ҳам, соғлиғига ҳам зиён етказмайди. Халқимизда «Бозорга бор-да бахтингни кўр» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам бозор харидор учун танлаш имкониятини жуда кенг яратиб берадиган маҳсулотнинг турли турманлиги эса айни муқадда. Фақат олвучи танлашни билса бас. Чунки бозорда ўғриям бор, тўғриям. Сотувчи молини тезроқ сотса-ю, чўнтакни қаплатирса. Харидор эса арзон олса-ю, пулни тежаса. Аслида бу бозорнинг ёзилмаган қонунидир. Қисқаси, қочган ҳам, қувган ҳам жуда дейди. Икки томон ҳам ишнинг силлиқ битишини кўзлаб, ортиқча бош оғриғига дуч келишни хоҳламайди. Ҳамма гап шунда. Фойдани ўйлаб осон пул топишининг йўлини топганларнинг мақсади-ку аниқ. Сотиб олвучи-чи? Агар харидор ўз ҳақ-ҳуқуқини билса, талаб қилса, бевозир бўлмаса, ушбу вазиятнинг бироз бўлса-да яшиланишига ҳисса қўшган бўлур эди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОД,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тангриберди АХМЕДОВ

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Кечкурун ишдан уйга борсам; хотиним: «тоғангиз автохалокатга учрабди, ҳол-аҳвол сўраб келсангиз яхши бўларди» деб қолди.

Тани-жони соғ бўлсин-да ишқилиб, деб тоғамникига йўл олдим.

Дарвозақонада ўнг қаноти пачоқ бўлиб кетган таниш «Жигули»ни кўриб, хавотирим янада ортди.

Уйга кириб тоғам билан кўришга, у кишининг соғ-саломатлигини кўриб, кўнглим бироз таскин топди.

Лекин тоғамнинг фиғони фалакда эди.

«Э, ўша палакатларни, - дейди у киши. - Йўқ жойдан ташвиш туғдириб ўтирибди. Яхшиям худо деган эканман. Болаларим бахтига омон қолдим.

Тоғамнинг айтишича, машинасини йўлда ҳайдаб кетатган экан. Йўлда светфорнинг қизил чирғи ёнганда тўхтаган. Қўқ чирок ёнганда газни босиб, йўлини давом эттирмоқчи бўлган. Шу вақт бир тиланчи лўли аёл йўл ўртасига чиқиб қолган. Тоғам уни уриб юбормай, деб машина рулини тезлик билан ўнг томонга бурган. Шунда машина йўл четидеги бетон деворга урилиб, пачоқ бўлган. Тоғам машинадан тушганда эса лўли аёл алпақдон жуфтаси рўстлаб қолган экан.

«Хозир машиналар ниҳоятда серкатнов йўлларда тиланчиларнинг ҳен кўрқмасдан йўл ўртасига чиқиб, ҳайдовчилардан садақ сўраш ҳолатлари жуда кўп бўлиб ўрайдди, - дейди тоғам.

Мен эртаси куни ишга автобусда кетаётганимда шу ҳолатга алоҳида эътибор бердим. Ҳақиқатдан ҳам Жанубий вокзалдан Мустанжиллик майдонига Усмон Нустар ва Шота Руставели кўчалари бўйлаб етиб келгунга қадар тўққиз жойда айнан шундай йўл ўртасига чиқиб, ҳайдовчилардан садақ сўраётганини кўрдим.

Улар олаётган садақ арзимас пул. Қолаверса, бу пулни ҳар ким ўз хоҳишича қўнглидан чиқариб беради.

Лекин улар йўлда транспорт қатновига жиддий халақит беришаётир. Уларнинг номақбул хатти-харакатлари натижасида турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб, фуқаролар моддий ва жисмоний зарар кўришаётир.

Йўлдаги транспорт харакатини назорат қилдиган ДАН ҳодимлари ушбу ҳолатларга ҳам эътибор қаратишса, турли фалокатлар оёқ остидан чиқмаган бўлар эди.

Тангриберди АХМЕДОВ

ХОРИЖ САРМОЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШ - ЗАМОН ТАЛАБИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Меҳри БОЛЛИЕВА). Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш жараёнига хорижий инвестицияни жалб қилиш мумкин аҳамияти касб этяпти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчи бозорини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасидан хабар қилишларича, ўтган йили хорижий инвесторлар

билан «Резинотехника», «Сувмаш», «Юктранс», шунингдек, «Турон» меҳмонхонаси каби йирик акциядорлик жамиятларининг акциялари ва объектларини сотиш бўйича умумий қиймати 20 миллион АКШ долларига тенг шартномалар имзоланган.

Хорижий сармояларни жалб қилиш ва қимматли қўсозлар бозорини ахборот билан таъминлашни кўчайтириш максималда ҳўжалик бирлашмалари ва акциядорлик жамиятлари ҳақда махсус маълумотлар тўпланган. Бу маълумотлар «Тошкент»

республика фонд биржасининг сайтыга (www.uzse.com) жойлаштирилгани эътиборга лойиқдир.

Бундан ташқари, биржада «видеолистинг» тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда 144 акциядорлик жамияти тўғрисида 800 га яқин видеолар жамлланган. Сармоядорларнинг ушбу маълумотлардан фойдаланиши учун барча қўлай шартлошлар яратилган. Биржада корпоратив облгаушларини сотиш бўйича янги савдо майдони ҳам ташкил этилган.

ДУНЁНИ БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК!

Юксак маданият шаклланган жамиятда болаларга катталар сингари муносабатда бўлинади, болалар ҳам муайян ҳуқуқларга эгалиги назардан четда қолмайди. Болалар ҳуқуқлари нималардан иборатлиги, бу ҳуқуқлар биз - катталарга нечоғлиқ масъулият юқлашини биламизми?

Республика «Болалар» жамғармаси раиси Инқилоб Юсупов билан суҳбатимиз шундай мулоҳазалар билан бошланди.

Инқилоб Турсуновна, болалар қандай ҳуқуқларга эга? Хусусан, бизнинг мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилиняпти? Бу борада жаҳон ҳам-жамияти эътирофи қандай? Ўз кузатишларингиз билан ўртоқлашсангиз?

«Бола, агар у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган сус раҳфа ва фамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож», дейилади 1989 йилда БМТ томонидан қабул қилинган «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияда. Демак, боланинг ҳам ҳатто ёруғ дунёга келмасданқў ҳуқуқлари бор. Сўнг ҳар бир бола яшаш ва соғлом камол топиш, илм олиш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий ёрдам билан таъминланиш, қолаверса, фикри, қарашини эркин ифодалашдан тортиб, ота-она ёки ҳар қандай бошқа шахс томонидан ҳақоратланиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимояланишгача бўлган барча ҳуқуқлари ижроси учун давлат ва жамият масъулдир.

Ўтган асрнинг бошлариданқў болалар ҳуқуқларини тиклашга йирик нуфузли халқроқ ташкилотлар эътибор қаратди.

(Давоми 4-бетда)

АРАФА



ҚУТЛУФ БАЙРАМ

Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейини ўтазиш бўйича барча тайёргарлик ишлари поёнига етди.

Қисқа муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 8 майдаги 155-қарори асосида бу ерда жуда катта ҳажмдаги яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари адо этилди. Нукусликлар қўтлуғ санага тайёр-

зейининг маҳобатли биноси шаҳар кўрқига-кўрқ бўлиб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки унинг қурилиши қарийб 30 йил олдин бошланган бўлса ҳам баъзи сабабларга кўра қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетган эди. Ниҳоят, юбилей муносабати билан музей биноси гоят қисқа муддатда фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда)

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА ЭЪТИБОР

Истиклолга эришилгандан кейинги йилларда банк соҳаси ислохотига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бозор иқтисодиғида ўтиш шароитида банклар алоҳида аҳамияти касб эттиши, яъни иқтисодиётнинг қон томири бўлиши даркор эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларда республика давлат-тижорат Халқ банкнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил октябр ойида «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантириш тўғрисида» тизим фаолиятида банкнинг ҳам муносиб улуши бор.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларда республика давлат-тижорат Халқ банкнинг ҳам муносиб улуши бор.

Маълумки, 2003 йил феврал ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарори талабларини баҳарини юзасидан давлат-тижорат Халқ банки тизимига амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, айни қунарларда «Обод маҳалла йили» дастури доирасида бир қатор ибратли ишлар олиб бориломқда. Молия муассасасининг маҳаллалар билан ҳамкорлиги яшилди. Хусусан, амалдаги йилнинг 1 феврал ҳолатига кўра, 7000 га яқин маҳалла қўмиталарининг асосий ҳисоб рақамлари очилди.

(Давоми 3-бетда)

ТААССУФ

Сариосиё туманида «Шарғун» кўмири қонининг довруғи республикамизда жуда машҳур. Биласиз, кўмирнинг ранги қора бўлади.

Шу боис ёмон ниятли кишиларга «шу одамнинг ичида бир арава кўмир бор», дея нисбат беришади. Аммо қўра кўмири ёнганда хонадонни иситилади. Бошқарма жамоаси кўмир ет-

КўМИР АТРОФИДАГИ ҚОРА ҚИЛМИШ

казиб бериб, қанчадан-қанча кичику катта ўчоқларни оловлантиряпти. Айни пайтда бу ерда кўмир рангидеги қора ишларга ҳам йўл қўйилаётгани нима дейсиз?

Бошқармадагилар солиқ нимадигини чуқур тушунишди. Унга амал қилишда-чи? Буни яхши биладилар, дейиш эса қийин. Еки улар «Солиқ тўлаш ҳақидаги қонунлари чибтаб ўтсақ нима бўлибди? Ким билди ўтириб-



НАВБАТ КИМНИКИ?

Усмонов домлани курсимизда танимайдиган талаба йўқ ҳисоби. Узоқдан унинг қораси кўринса ё бекинамиз, ёки қочиб қоламиз. Чунки йўқ жойдан ташвиш орттириш кимга ҳам ёқади.
-Кеча кўлга туширди, - дейди курсдошим Икром. - Бор будимнинг шилди-я, номард.
-Утган куни мени шилганди, - дейди Хусниддин хўрсиниб.
-Бугун кимнинг навбати экан? - дедим қулимсираб.
Тўрт-беш курсдош домла ҳақида гурунглашиб тургандик, кимдир мени чақирди:
-Қаршиев!
Не кўз билан кўрайки, домла Усмонов бизга текилиб турибди. Унга кўзим тушиши билан этим жунжикиб кетди.
-Бу ёққа кел, - деди у буйруқ оҳангда.
-Оббо, пулим камроқ эди, қара бериб туринглари, - дея курсдошларимдан борини йиғиб олдим ва домлани тўри ошонага етакладим. Чунки қанчалик оғир ботмасин, унинг қорнини тўйдириш бугун менинг зиммамга тушганди-да.
Бехозд ХОТАМОВ

КУЛОЛ НИМАДА СУВ ИЧАДИ?

-Уста Нозимга шогирд тушган дамларимиз эди, - дея ҳикоясини бошлади Жўракул новвой.
-Бир гал одатдагидек нонни тонг сахарлаб ёндик-да, уч шогирд нонштага ўтирдик. Мен қип-қизариб пишган нонлар орасидан лаззатли, хуснининг ўзи иштахани очиб юборадиганидан бир жуфтини олиб дастурхонга қўйдим. Иттифоққа қай бир юмуш билан уйига кетган устанимиз кириб келди. У дастурхондаги нонга қаради-ю, томоқ қириб деди.
-Кулол нимада сув ичганини биласизларми?
Уч ўслодир бир-биримизга қараб елка қисидан нарига ўтирдик. Шунда у киши берган саволига ўзи жавоб қайтарди:
-Кулол нўндада сув ичган. Чунки сотувага ярқисиз кўзая-ю чойнак-пиёласини ташлаб юборишга кўзи қиймай улардан рўзгоридан фойдаланган. Сенларча эди, яхшисини ўзларинг еб, ёмонроққа ёпилган нонларни харидорларингга бермоқчимисизлар?
Ялт этиб уста айтган томонга қарадик. Сўрида ўзимиз ёлган, аммо тандирда чўғ баландлик қилиб хиёл қора тортган 3-4 та нон турарди.
Ушандан буён устанинг гапи миямга ўрнашиб қолган. Чироили ва лаззатлисини харидорининг дастурхонига атаб, сал бундайроқ ёпилган нонни фарзандларим билан баҳам қўраман, - дея ҳикоясини тугатди новвой.
Истам ИБРОХИМОВ

"НЕГА ЎҒЛИМИЗНИНГ РАНГИ САРИҚ?"

Иноғомхўжа тўнғичи Сафаржонни етаклаб кўчага чиқаркан, олдидан дўсти Маматназар мижгов чиқиб қолди.
-Бунинг сап-сарик, бир тукьям сенга ўхшаймайдик-ку, жўра, - деди у Иноғомхўжанинг содда ва сержахлигини билдиб.
-Кўшининг Мамасоли пиёнистанинг ўзгисаси-я...
-Нима демоқчисан ўзи? - деди Иноғомхўжа соддалик билан.
-Ха, ўзим шунчаки ўғлининг сап-сариклигини, ўзининг бугўдйранглигини айтмоқчиман-да.
Маматназар мижгов шу тариха ундан узоқлашди. Аммо Иноғомхўжанинг дили хуфтон бўлгани қолди. Кечкурун хотини Ойниса овқатнинг тузи кўп бўлгани, кўйлаққа ямоқ солинишига учун яхшигина калтак еб олди. Охири бўлмади: "Нега ўғлимиз Мамасоли пиёнистага ўхшайди, а?" дея ўшқирди у хотинига.
-Вой, мен ўлибгина қолай, қаттан биламан, - уввос солди Ойниса келин бутун махаллани бошига кўтариб.
Шу тариха эр-хотин икки-уч кун арашлашиб, гаплашмай юрди. Ким билсин, балки Ойниса келиннинг узоқ қишлоқларнинг бирини яшайдиган Содик сарик исмли тоғаси уларни тўйга айтгани келмаганида вазият қандай тус олارد.
-Бу жиянчамиз роса бизга тортибди-да, - деди у олдида нималарнидир ўйнаб ўтирган Сафаржонни сўйиб эркаларкан.
Иноғомхўжа нималарнидир тушунгандай бўлди, ҳатто киши билмас қулиб ҳам қўйди. Бироз ўтиб хотинига: "Ашқол-дашқолининг йиғиштири, тўйга борамиз" деди у қайфияти чоғ ҳолда.
Нарзулла МАҲАМОВ

ОТА ҲАҚИ

Маҳалла гузариди сартарошонага соч олдиригани чиққандим. Уста Олим ака менинг сочимни олиб тугатаёзганда бу ерга унинг отаси Муродхўжа домла кириб келдилар. Домла мактабда бизга алгебрадан дарс берган, шўх болаларнинг қулоғидан чўзиб, "ақлини киритиш"га уста эдилар. Ҳатто бир мартаба мана шу ўғли Олим акани ҳам адабийёт дарсида жим ўтирмагани учун шапалоқлаб ургани ёдимда бор.
-Келинг, дада, - деди Олим ака домла билан сўрашиб бўлганимиздан сўнг.
-Шогирдинг борми, соқолимини олиб қўйсин, - деди домла қўлидаги чорси билан еллинаркан.
-Хозир бозорга юборгандим. Янги пакии обкелади. Озгина кута туринг, - деди Олим ака ва менинг сочимни олишда давом этди.
Беш дақиқалардан сўнг тап-тақир бошимни сиқиб ўрнимдан турарканман, домланинг курсига ўтирмаётганидан хайратланган сўрадим:
-Домла, ўтиринг, Олим акам ҳам бўшади-ку...
-Бахузур, бахузур...
Домланинг нима демокчи эканлигини тушунмай устага қарадим. Олим ака мийиғида жилмайиб, тушунтирган бўлди.
-Биласизми, Солижон, мусулмончиликда отанинг соқолини олиш ҳам уни бўғизлаш билан тенг бўларкан. Шунинг учун, мен ҳеч қачон отанинг соқолини олиш учун қўлимга тиз ўшламайман...
Олим аканинг бу жавобидан сўнг домланинг шогирдини кўтиб ўтирганлиги беҳиз эмаслигини ағладим.
Хасан ТОШХҲАЕВ

(Боши 1-бетда)
Шундай қилиб, барча имкониятларга эга, ўзига хос мезморий кўринишга эга бўлган янги бинода 3 минг экспонатни намойиш қилиш имкони тугилди. Ана шу бебаҳо санъат дурдоналари Нукус шахрининг 70 йиллик юбилейи тантаналари иштирокчилари, азиз меҳмонларга бахонидил намойиш этилади.
Шу билан бирга шаҳардаги қатор театрлар, бадийи дасталар бинолари сифатли таъмирлангандир. Жумладан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри биноси чорак асрдан буён таъмирталаб ҳолатга келиб қолган, иссиқлик, канализация тармоқлари ба-тамом ишдан чиққан эди. Буларнинг барчаси қисқа муддатда ўнгланиб, янги

лар уюшмаси, Ўзбекистон Бадийи академияси Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда иш юргизилгани яхши натижаларга эриштириш таъминлади. Айни пайтда ишлаб чиқилган концерт дастури асосида сахналаштираувчи режиссёрлар бошчилигида иждоий жамоалар ижрочиларининг қай даражада тайёргарлиги сўнги бор кўздан ўтказилмоқда. Дар-воқе, дастурда Қорақалпоқ миллий фольклорининг аjoyиб намуналари, хозирги замон бастакорларининг энг сара асарлари ўрин олган.
Тантаналарда Нукус шаҳар маданият ишлари бўлимига қарашли мусиқа ва санъат билан юртлири, "Фумша", "Навше" болалар дасталари ҳам фаол

жамоа аъзоларининг иждоий сафарларга тез-тез чиқиши, халқ орасида бўлиш имконини тугдиради.
Юбилейга тайёргарлик кўриш дастурини амалга оширишда Маданият ишлари вазирлиги, Бастакорлар, Ўзвучи-

иштирок қилиши тўйга ташриф буюрган меҳмонларда кучли таассурот қолдиришига ишончимиз комил.
Юбилейда эстрада кўшиқчилари ижрочиларининг, киз-бахшиларнинг "Дембермес" деб номланган кўрик-

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ



танлов голиблари ҳам ўзларининг аjoyиб дастурлари билан беҳимнат хизмат кўрсатади. Давлат музейларида Нукус шаҳри тарихига оид миллий амалий санъат намуналари, суратлар, шаҳар ташкил этилишига муносиб хисса қўшган меҳнат фахрийлари, жамоат ва давлат арбобларига тааллуқли ҳужжатли кўргазмалар ташкил этилди.
Юбилей муносабати билан кутубхоналарда "Нукус - гўзал пойтахтим", "Гўзал ўлкам - Нукусим мамим!" сингари ўнлаб қизиқарли тадбирлар, меҳнат фахрийлари, нуруний онахонлар-у отахонлар билан мароқли учрашувлар давом этмоқда.
Умуман олганда, Қорақалпоғистон маданият ходимлари Нукус шахрининг 70 йиллик юбилейи тантаналарини муносиб тарзда, юқори савияда нишонлашда ўзларининг хиссаларини қўшишга тайёрлар. Зеро, бу тўй Қорақалпоғистон Республикаси маданиятининг ҳам ҳақиқий байрамига айланади.

Тамара ДАВЛЕТМУРАТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири.

"ОҚСАЁТГАН РАҚАМЛАР"

Газетамизнинг 2003 йил 23 февралдаги сонидида "Оқсаётган рақамлар" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Яқинда ушбу мақола юзасидан Иштихон туман прокурори вазири фахри бажарувчи Р.Исоқовдан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

сотилган, 130 таси хўжаликлар бошқарувининг қарорига асосан иссиқ овқатга сўйилган, касаллиги туфайли 142 таси мажбурий сўйилган, 2 таси ҳаром ўлган, 37 таси ҳисобдор шахсларнинг ҳисобидан ундирилган, 121 таси хўжалик йиғилиш қарорларига асосан бошқа

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР
бош қорамолларнинг мажбурий сўйилишидан хўжаликка жами 23656 сўмлик иқтисодий зарар етказилган.
"Кумушкент" ширкат хўжалигининг сут-товар фермаси мудири О.Саъдуллаевнинг жавобгарлигида бўлган 2 бош қорамолларининг мажбурий сўйилишидан хўжаликка жами 25582 сўмлик иқтисодий зарар етказилган. Ушбу



Нарпай туманида галла ўрими-йиғимига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Хусусан, Нарпай машина-трактор паркы жамоаси мавжуд 7 та "Кейс" комбайнларини мавсумга аллақачон шай қилиб қўйишди. Айни кунларда комбайн операторлари сўнгги мавсумдаги ишларини олиб бормоқда.
СУРАТЛАРДА: 1. Оператор Собиржон Жўраев. 2. Операторлар билан суҳбат. Б.АҚРАМОВ олган суратлар.

КЎМИР АТРОФИДАГИ ҚОРА ҚИЛМИШ

(Боши 1-бетда)
Бу билан улар жуда катта микдордаги маблағни экология солиғига бермасдан, қорхона ҳисобига олиб қолганлар. Текширишда "ёниғлик қозон" очилди. 2002 йил якуни бўйича "Шарғун" кўмир кони бошқармасидан 420,1 минг сўм экология солиғи бюджет фойдасига ундирилгани бунди.
Хисобчилар билиб-билмаганликка олишган. Эҳтимол ўзларича, йилни зарар билан аяқлаган жамоага иқтисодий кўмак беришни ният қилишгандир. Лекин касални яширсанг, иситмаси ошқор этади. Қорхона ўтган йилнинг якунига қўра 200 миллион 810 минг сўм зарар қўрди. Қайта солиққа тортилганидан сарф-харажатлар 117 миллион 836 минг 800 сўмни ташкил қилади. Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан ана шу суммалар 26 фоиз солиқ ундирилиши лозим, яъни зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтириш учун асос бўла олмайдик. Солиқ қонунчилигининг ана шу талабидан келиб чиққан ҳолда бошқармадан 30 миллион 637 минг 800 сўм фойда солиғи бюджетга қўшимча ундиришга ҳарор қилинди.
Хисобчини билмаган ҳамбандан ай-

рилур, дегани шу эмасми?! Хўжатлар эрмак учун тўлдирилмайдик. У қорхона раҳбарияти, ҳисобчисининг ҳар бир иқтисодий "қадам"ини кўрсатиб туради. Хўжатларда пала-партишлик бошландими, ноаниқлик пайдо бўлди... демак, бу ерда "бир гап" бор. Бошқарма бухгалтериясини томонидан 2002 йил давомида бошқа қорхона ва ташкилотларга юқлаб жўнатилган товар-моддий бойликларга везилмаган ҳисоб варақ-фактураларини белгиланган шаклда расмийлаштиришда солиқ тўловчининг идентификация коди рақамлари кўрсатилиши шарт эди. Бу жуда муҳим. Лекин рекевизитларни тўлиқ тўлдирилмаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Эйтиб қилинг, 5 та ҳолатда бошқа қорхона ва ташкилотларга юқлаб жўнатилган 320,5 минг сўмлик товар-моддий бойликларга ёзилган ҳисоб варақ-фактураларида юқ олунди қорхона ва ташкилотларнинг рекевизитлари ҳамда солиқ тўловчи идентификация коди рақамлари кўрсатилмасдан қолдирилган.
Қорхона солиқ борасидаги қатор қонун ва қоидаларни беамал бузаверган. Хисобчилар ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараганлар. Фактлар эса жуда ўжар. У ҳар бир сўмни ўз қонуний жойига қўйишга мажбур эганди. Зеро, шундай бўлди ҳам. Бошқарма бюджетдан ташқари турли мажбурий ажратмаларга тўловларни амалга оширишда ҳам хатомчиларга йўл қўйилган. Текшириш натижаларига қўра ушбу йўналишда 0,7 фоизли мажбурий ажратма учун 54,5 минг, 37,3 фоизли мажбурий ажратма учун 78,4 минг ҳамда 2,5 фоизли мажбурий ажратма учун 5,3 минг сўм - 138,2 минг сўм қамдорда қўшимча тўлов бюджетдан ташқари пенсия жамағарасига ундириш учун ҳисобланди. Хисоби тўғрисида оши ҳалол. Хисобидан адашган эса хамиша доғда қолади. Кейинги пушаймон эса...
Яна бир гап. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги Фармони билан республика доирасида мазова (бартер) асосида махсуслотлар етказиб бериш таққилланган эди. Қорхона раҳбарияти бу Фармондан беҳабар бўлиши мумкинми? Асло. Нега унда улар ўзлари билганчалик, анкироғи, белгиланган тартибга зид йўлни тутдилар? Бошқармада 2002 йил майдийнда Ўзбекистондаги қорхона ва ташкилотлар билан 25 миллион 471 минг сўм микдорда шу усулда товар ал-

масштириш ҳолатларига йўл қўйилган. Буни қандай тушуниш керак? Бебарворликми, ўзбошимчиликми? Бошқарма мутасаддилари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга уринашпдилар. Аммо бу борадаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. 2003 йилнинг февралига қадар бошқарманинг умумий дебиторлик қарзлари 64 миллион 486 минг 300 сўмни ташкил этган. Шундан мuddати ўтганлари эса 6 миллион 147 минг сўм. Кредиторлик қарзлари эса 541 миллион 263 минг сўмдан ошиб кетди. Бундай ҳолатларга совуққонлик билан қараш қанчалар давом этади? Хисоб-китобларнинг ўлда-жўлдаги кимга фойда-ю, кимга зарар? Бу мансабдор шахслар тўланадиган солиқларни яшириб қолди, нимани хаёл қилаятилар?
"Шарғун" кўмир кони бошқармасида жамоа мулкига қўз олайтириш ва талон-тороқчилик йўли оқиб қўйилганлиги кишини ҳайрон қолдиради. Қонун ўзи йўлига, муҳими чўнтақ қапайсин, қабилида ишлар қилинган. Қорхонага қарашли автогаржада масъул ходимлар томонидан эҳтиёт қилмаслиги қонунчилик қилиш йўли билан 7 миллион сўмликдан ортиқ зарар етказилган.
Қорхонада қонунчилик ишларга нукта қўйилди. Лоқайлик, ҳисоб-итобларни чиғаллаштириш ва солиқларни яширишнинг оқибати шун бўлди: афсус ва пушаймонлик. Еруғ ўзи билан ишлаш мумкинми? Мумкин эди. Бунинг йўли оддий: ҳалол нон емоқ!
А.АБДУМУНИОВ, Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси бўлим бошлиғи.



ЖОРЖ БУШ САФАРГА ОТЛАНМОҚДА


Оқ уйда чиқиш қилган АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондализа Райс, сўнгги вақтларда Вашингтон ва Москва ўртасида Эроннинг ядро дастури бўйича фойдали музокаралар бўлиб ўтди, дея айтган.



Маслаҳатчининг билдиришича, Жорж Буш Санкт-Петербургга уюштирадиган бўлгуси сафари чоғида ҳам Эрон масаласи бўйича Владимир Путин билан фикр алмашиш ниятида. 30 май куни Польшада президент Александр Квасневский билан музокаралар ўтказиб, Жорж Буш Санкт-Петербургнинг 300 йиллик тантаналарини давом эттириш учун ушбу қадимий шаҳарга келади ва шу ерда Россия президенти Владимир Путин билан учрашади. 3 июн куни Франциянинг Эвиан шаҳрида бўладиган катта саккизики давлатлари саммитида катнашган, АҚШ президенти Миср, Иордания ва Фаластин раҳбарлари билан учрашади.

ИРОҚҚА 15 ДАВЛАТ АСКАРЛАРИ КЕЛТИРИЛАДИ

АҚШ мудофаа вазирининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Дуглас Файтнинг маълум қилишича, Ироққа барқарорликни ўрнатиш бўйича халқаро кучлар таркибига катнашиш учун 15 та давлат ўз аскарларини юборишга розилик билдирган.



Шунингдек, июл ойида Ироқдаги хавфсизликни таъминлаш учун Британия ва Польша қўмондонлиги остида иккита қўшимча "кўп миллатли дивизия" ҳам тузилади. Айни пайтда Бағдодда 45 минг кишилик иттифоқчи кучлар турган бўлиб, уларнинг қариб ярми тартиб ўрнатиш ишларида катнашмоқдалар. Ҳар куни пойтахтда 500 та патрул хизмати амалга оширилмоқда. Расмий Пентагон фикрича, Бағдоддаги хавфсизлик сезиларли даражада яхшиланган. Бирок, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, жанубда суннийлар ва шиалар ўртасида, шимолда эса араблар ва қурдлар ўртасида можаролар юзага келмоқда, дея баъбарни аяқчюлиги "ИТАР-ТАСС" агентлиги.

ҚИРГИЗИСТОН: ЖИНОЙ ГУРУҲ ТУГАТИЛДИ


Киргизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Жалолобод вилояти ва шаҳри ички ишлар бошқармаларига бостириб кириб, у ерлардан қурол ва ўқдорларни олиб чиқиб кетганлардан бирини ҳибсга олганлар, дея хабар беради "Новости" ахборот мақамаси.



Киргизистон ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг билдиришича, "Кора Один" лақаби 40 ёшли Одил Каримов Жалолобод вилоятининг Тош-Кумир шаҳридаги уйлалардан бирида қўлга олинган. Жалолобод вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ старшинаси бўлган О.Каримов бир неча бор судланган ва қидирувда юрган шахс эди. Айнан у бошқармаларга бостириб киришга бошчилик қилган. "Кора Один"дан олдин эса жиноий гуруҳнинг қолган 7 аъзоси ҳам ушланган бўлиб, тўғрғс жараёнида уларнинг мамлакатнинг жанубий минтақаларида қуролли исён чиқариш режаси борлиги маълум бўлган. Шунингдек, жиноятчилардан барча қурол ва ўқ-дорлар қайтариб олинган.

SARS ҚҰРБОНЛАРИ ОШИБ БОРМОҚДА

Торонто шаҳридаги католик мактабларидан биринида SARS касаллиги билан оғирган ўқувчи аниқланганнидан сўнг, мактаб ёпиб қўйилди.



1500 нафар ўқувчи ва 120 нафар ўқитувчиларга нисбатан 10 кунлик карантин ҳолати жорий этилди. Торонто Бун-жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хорижликлар боришлари тавсия этилмайётган "қора рўйхат"идан жой олган шаҳар ҳисобланади.
Россияда эса биринчи SARS ҳолати қайд этилди. Россия бош санитария шифокори Геннадий Онищенконинг айтишича, май ойи бошида Благовещенск шифохонасига ётқизилган 25 ёшли Денис Сойниковдан иккинчи марта олинган қон, анализдан сўнг, шифокорлар бемор SARS билан оғирган деган хулосага келганлар. Хозирга қадар эса дунё бўйича 735 киши бу касалликдан ҳалок бўлиб, 8221 киши зарарланган.

ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

